



XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 года «1» февраля

VI-32-32-3-0-K/22

Хокимият Джизакской области

Жиззах вилоят ҳудудий “АгроХизмат маркази” биносини реконструкция қилиш лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатиши янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, Жиззах вилоят ҳудудий “АгроХизмат маркази” биносини реконструкция қилиш лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун маблағ ажратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, Бюджет кодексининг 126-моддаларига асосан ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жиззах вилоят ҳудудий “АгроХизмат маркази” биносини реконструкция қилиш ишларига буюртмачи этиб - вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжинииринг компанияси белгилансин.

2. Вилоят Молия бош бошқармаси (А.Рахматуллаев)га вилоят маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ ва даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми хисобидан, Жиззах вилоят ҳудудий “АгроХизмат маркази” биносини реконструкция қилиш лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун 200,0 (икки юз) млн. сўм маблағни қайтариш шарти билан вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжинииринг компаниясига ажратиш

вазифаси юклатилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси (Хасанов)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

4. Вилоят Ғазначилик бошқармаси (З.Маллаев)га харидларни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш топширилсин.

5. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров) ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси, Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиши масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов ва вилоят ҳокимининг ўринбосарлари О.Ашурматов, Б.Назаров зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев